



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA  
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI  
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“ 16 ” февраль 2021 й. № 02-06/780

**Оммавий ахборот воситалари,  
Telegram мессенжери каналлари,  
“.Uz” домени худудида  
рўйхатдан ўтган веб-сайтлар,  
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилаётган реклама ахборотларининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Ўз навбатида, бугунги кунда тамаки, тамаки маҳсулотлари, чилим (кальян), электрон сигареталар алкоғолли маҳсулотларни намоёйиш қилиш, истеъмол қилиш, ишлаб чиқариш жараёнлари, чегирмалар, акциялар, маҳсулот турлари ва уларнинг таркиби, компонентлар, хусусиятлари тўғрисидаги рекламалари ошиб бормоқда.

Агентлик мутахассислари томонидан ижтимоий тармоқлар, мессенджерлар ҳамда “.Uz” домени худудида рўйхатдан ўтган бир қатор веб-сайтларда ўтказилган ўрганишларда, бу борада реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ амал қилмаётганликлари маълум бўлмоқда.

**1. Аксарият реклама воситалари, жумладан оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар, Telegram мессенжери каналлари орқали тамаки, тамаки маҳсулотлари, чилим, электрон сигареталар ва алкоғолли ичимликлар рекламаси кескин фаоллашди.**

Жумладан, “.Uz” домени худудида рўйхатдан ўтган бир қатор веб-сайтлар чилим (кальян) ҳамда электрон сигареталар тарғиботига ва/ёки тўғридан-тўғри рекламасига ихтисослашгани маълум бўлмоқда.

Кўпгина веб-сайтлар саҳифаларида чилим (кальян) ҳамда электрон сигареталар реализация қилинишига кўмаклашувчи реклама материаллари жойлаштирилгани, хусусан, чилим (кальян) ҳамда электрон сигареталарнинг хусусиятлари, нархи, етказиб бериш тартиби ҳамда бошқа сотувчи билан боғланишга доир маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ чилим

ва электрон сигареталар чекишни реклама қилиш, яъни чилим ва электрон сигареталар чекиш усуллари ва йўллари, шунингдек, уларни олиш жойлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолиятга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ “... тамаки маҳсулотларини реклама қилишга йўл қўйилмайди, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб этиш, яъни алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ҳамда бадий образларни ошқора ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тақиқланади.

Ўз навбатида, “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига асосан, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоғолли ичимликлар рекламаси тақиқланади.

**2. Яна бир оммалашган жараёнлардан (фаолият турлари) бири тўғридан-тўғри қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар тарғиботига ихтисослаштирилган веб-сайтлар** ва уларнинг хизматлари рекламаларидир.

Аксарият ҳолларда “.Uz” домени ҳудудида рўйхатдан ўтган веб-сайтлар саҳифаларида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар тарғиботига ихтисослаштирилган сайтларга йуналтирилган реклама баннерлари жойлаштирилгани кузатилмоқда.

Мазкур баннерлар орқали қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилувчи букмекерлик компаниялари рейтингини тузиб бориш, ўйинларга пул тикишда бериладиган бонусларни кўрсатиш, шунингдек, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни онлайн тарзда ўйнашга ихтисослашган хорижий доменларда рўйхатдан ўтган веб-сайтларга ўтиш имконияти яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш тақиқланган.

**3. Бундан ташқари, “.Uz” домени ҳудудида рўйхатдан ўтган бир қатор веб-сайтлар саҳифаларида беҳаёлик тарғиботига хизмат қилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва хизматларга оид** эълонлар ва/ёки реклама баннерлари жойлаштирилганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг асосий вазифалари рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф муҳит ҳолатига тажовузидан ҳимояланиш чораларини таъминлашдан иборатдир.

**4. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги томонидан бир неча бор огоҳлантириш ва тушунтуришлар берилишига қарамасдан, оммавий ахборот**

воситалари, веб-сайтлар ва телеграм каналлари орқали **энергетик ичимликлар рекламаларида** ҳам бир қатор камчиликлар аниқланган.

Жумладан, кўпгина веб-сайтлар саҳифаларида энергетик ичимликлар рекламаси жойлаштирилган бўлиб, уларда бундай ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги огоҳлантириш, шунингдек, бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборотлар кўрсатиб ўтилмаган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 22<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, энергетик ичимликлар рекламасида бундай ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги огоҳлантириш, шунингдек, бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот мавжуд бўлиши керак.

Энергетик ичимликларни истеъмол қилишга ва ёшга доир чекловларни мавжудлигини инобатга олиб, ҳамда товар маркировкасида мажбурий равишда ёзилиши лозим бўлган ахборотлардан келиб чиқиб, энергетик ичимликлар рекламасида **“18 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор ва эмизакли аёллар, асабийлашишга мойиллиги юқори бўлган асаб, уйқу ва юрак фаолияти бузилган, юқори артериал босимли шахслар ва қариялар учун тавсия этилмайди. Суткалик меъёр 1 литр\* (ёки 250 мл\*)дан ортиқ эмас”** огоҳлантириш сўзлари бўлиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга асосан, кенг жамоатчилик (истеъмолчилар) учун товарлар (иш, хизматлар) тўғрисида маълумотларни тайёрлаш ва тарқатишда, **амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз**, шу жумладан реклама қилиниши тақиқланган маҳсулотларнинг ҳар қандай кўриниш (шакл, воситалар)даги рекламасига **чек қўйишингиз сўралади.**

Директор ўринбосари



А. Қурбонов